



2016/06 №39

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasi

IJOYDIY PARVOZ

1 ИЮН — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

«Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳақиқат эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди».

Ислом КАРИМОВ

Барчамизга маълумки, бутун дунёда 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни сифатида кенг нишонланади. Ушбу сана муносабати билан юртимизнинг барча жабҳаларида болалар учун байрам шодиёналари, дам олиш тадбирлари, ўзаро беллашувлар, спорт мусобақалари бўлиб ўтади. Дунёда ҳеч бир халқ йўқки, ўз келажаги давомчиларининг бугуни ва эртаси хусусида қайғурмаса. Давлатимиз мустақиллиги эълон қилинганлиги шарофати билан Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли



аъзосига ҳамда халқаро ташкилотлар фаолиятининг фаол иштирокчисига айланди.

Маълумот учун шунини айтиш лозимки, мустақиллик йилларида бола ҳуқуқларига доир 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бугунги кунда Ўзбекистон Респуб-

Бахтли болалик

ликаси болалар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид 38 та халқаро ҳужжатларнинг иштирокчиси. 2005 йилда юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 30 фоизи, жумладан, қишлоқ жойларда 29 фоизи спорт билан шуғулланган бўлиб, 2015 йилда бу рақамлар 57,2 фоиз ва 56 фоизни ташкил этгани қайд этилди. Бу эса ўз навбатида бу борада мамлакатимизда катта ўсиш ва ўзгаришлар бўлаётганидан далолат беради.

«Фарзандларимиз биз учун мутлақо янги бўлган бадий гимнастика, сузиш, синхрон сузиш, теннис, ватерпол, дзюдо, карате, тэквандо, эшак эшиши каби спорт турлари бўйича мунтазам шуғулланётгани, қитъа ва жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, юқори шохсуналарга кўтарилаётгани ҳар қандай одамни ҳайратда қолдиради», дейдилар гуруҳ билан ҳурматли юртбошимиз Ислом Каримов ўзларининг сермазмун маърузаларидан бирида.

Дарҳақиқат, 3-5 ёшли ака-ука Синдоровларнинг шашка-шахмат бўйича жаҳон ареналаридаги ўйинларини кузатганимизда кувончдан кўзларимиз порлайди. Ёки юртимизда ўтказилаётган байрам тадбирларида

ўзларининг шўх-шодон дилрабо қўшиқ ва рақслари билан барчани хушнуд этаётган «Ором», «Марварид», «Тантана», «Томчи» ансамбл гуруҳлари болаларининг чиқишларини айтмайсизми?

Жисмоний тарбия ва спорт инсоннинг иродасини тарбиялаб, соғлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшса, мусиқа санъати унинг руҳига озуқа беради, қалбини, энг нозик туйғуларини камолга етказиши. Айниқса, мусиқа билан шуғулланган инсон ёмонликдан узоқ, ғийбатдан нари бўлади.

Айни пайтда болалар учун миллионлаб нусхада китоблар, газета-журналлар чоп этилмоқда, болалар театрлари фаолият кўрсатмоқда. Янгидан-янги спорт иншоотлари, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, мусиқа ва санъат даргоҳлари қад кўтармоқда, истироҳат боғлари қайтадан барпо қилинмоқда. Болалар сиҳат-саломатлигини сақлаш йўлида шифохоналар, санаториялар, қишлоқ врачлик пунктлари бунёд этилиб, доимий равишда тиббий кўриklar, «Саломатлик поезилари» ташкил этилмоқда. Эҳе, буларни санайверсангиз саноғи йўқ. Ҳа, ҳақиқатда болалар учун яратилган бундай шарт-шароитларни, меҳр-



муҳаббат ва эътиборни қайси бир юртда кўргансиз? Албатта, ана шундай болажон халқ, жаннатмакон ҳур Ўзбекистонда.

2016 йилнинг Президентимиз томонидан «Соғлом она ва бола йили» деб аталиши ҳам ғамхўрликнинг бир нишонасидир.

Дунёда болажонлар кулгуси-ю, шўх-шодон қийқириғидан-да беғубор нарсаси бўлмас керак. Осмон мисол мусаффо, мунчоқдек кўзларини сизга қадаганча, бийрон тилда савол бераётган, мурғак қалби билан оламдаги жамики ажойиботларни ўрганишга, мушоҳада қилишга уринаётган болакайнинг нурли чехрасига боққан ҳар қандай инсон ҳаёт ташвишларини унутди. Зотан, фарзандининг саодатли ва бахтиёр дамларини мудом кўриб яшаш ҳар бир инсон умрининг асосий мазмунидир.

Болалик ҳар дақиқада, ҳар куни ҳимоя қилинади, эъзозланади, қадрланади. Ўзбекистонда бугун дунёдаги энг бахтли



болалар яшамокда, улғаймоқда, буюк-буюк манзилларга, юксакликларга интиломоқда.

Мухаррам БОЗОРОВА
Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши 1-курс талабаси, матбуот бўлими аъзоси



КАТТА ИЛМ ОСТОНАСИДА

Институтимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Санъат ва маданият масалалари — ёшлар нигоҳида» номли магистр талабаларнинг илмий-назарий ва амалий конференцияси бу йил ҳам ўзгача шуқуҳ ва кайфиятда, қизгин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди. Дастлаб анжуманини



институт илмий ишлари бўйича проректори, санъатшунослик фанлари номзоди Гузал Холикулова кириш сўзи билан очиб, ёш авлод вакиллари илмий изланишларга жалб этиш, соҳага доир назарий билимларини бойитишда бу каби конференциялар алоҳида ўрин тутишини таъкидлади. Сўнг Магистратура бўлими бошлиғи Мусаллам Абдужаборова олий таълимнинг ушбу йўналишида амалга оширилаётган ислохотлар, эришилган ютуқлар ва истиқболдаги режалар хусусида нутқ сўзлади. Шундан кейин кун тартиби-

дан ўрин олган ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги «Особенности менеджмента в творческой сфере» (2-босқич магистранти А.Тўхтаева), «Яхши сценарий, яхши кино» (1-босқич магистранти А.Матёкубов), «Ўзбек актёрлик санъатида анъана ва замонавий жараён» (1-босқич магистранти Ч.Ҳамидова), «Ўзбек дубляж санъати масалалари» (1-босқич магистранти Р.Насриддинов), «Феномен и структура художественного мышления» (1-босқич магистранти Ш.Сарибаева), «Adaptation of poetry and prose works sphere theatre» (2-босқич магистранти Ш.Абдурашулов) каби маърузалар тингланди. Ҳар бир маъруза очик мулоқот



шаклида ўтказилиб, йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан иштирокчиларга мурожаат қилишди.

Конференция жараёнини Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси Дилфуза Жуманиёзова, ЎзДСМИ Санъатшунослик ва маданиятшунослик кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди Маъмур Умаров каби мутахассислардан иборат эксперт

гуруҳи баҳолаб борди. Ҳар бир маърузачининг мавзуга ёндашуви, фикр-мулоҳазаларини эркин баён этиши, мавзунинг ёритишда илмий услуб ва педагогик технологиялар, замонавий медиа-воситалар ва слайдлардан фойдаланиш даражаси ҳакамлар ҳайъати томонидан холис баҳоланди. Магистрантларнинг муваффақиятлари билан бир қаторда, айрим камчиликлар ҳам тилга олиниб, келгусида мавзуга чуқурроқ ёндашиш бўйича тегишли таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Бу йил институт магистратура бўлимини 50 га яқин талабалар тамомлаш арафасида турибди. Битирувчи курс



магистрантлари учун мазкур анжуман икки йил давомида олиб борилган илмий изланишлар, тадқиқотларнинг амалий сарҳисоби бўлди десак, хато бўлмайди. Зеро, катта илм остонасида турган ёшларнинг салоҳияти, билим ва дунёқараши айнан шундай конференцияларда чархланиб, тобланиб боради.

Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ
Театр санъати мутахассислиги 2-босқич магистранти

TINCHLIK, OSOYISHTALIK VA BARQARORLIK — JAMIYAT TARAQQIYOTINING MUHIM OMILI



Joriy yilning 12 may kuni O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi bilan hamkorlikda O'zbekiston Davlat san'at va madaniyat institutida «Tinchlik, osoyishtalik va barqarorlik — jamiyat taraqqiyotining muhim omili» mavzusida ma'naviy-ma'rifiy tadbir bo'lib o'tdi. Tadbirni O'zbekiston Davlat san'at va madaniyat instituti rektori Baxtiyor Sayfullayevich Sayfullayev kirish so'zi bilan ochib berdi.

Tadbirida O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Qonunchilik palatasi deputatlari: Abdug'appon Karimjonovich Qirg'izbayev, Rustam Rajabboyevich Qobilov, Kozim O'ktamovich Tojiyev, institutning professor-o'qituvchilari, talaba-yoshlar hamda ommaviy axborot vositalari vakillari ishtirok etishdi.

Tadbirida so'zga chiqqanlar mustaqillik yillarida mamlakatimizda Prezidentimiz rahnamoligida amalga oshirilayotgan ulkan va zalvorli ishlar hamda ularning mazmun-mohiyati xususida, jumladan yurtimiz iqtisodiyotining yildan-yilga rivojlanib borayotgani, san'at, madaniyat va sport sohalariga qaratilayotgan e'tibor hamda bu borada erishilayotgan yutuqlarni alohida ta'kidlab o'tdilar.

Yurtimizning tinchligi va farovon hayotimizning qadriga yetish lozimligi, jahonda ro'y berayotgan jarayonlar va ularga bugungi kun yoshlarining bildirayotgan munosabatlari, tashabbuslari xususida hamda tinchlik, osoyishtalikni ta'minlash borasida olib borilayotgan ishlar borasida atroflicha fikr-mulohazalarini bildirdilar.



Ishtirokchilar tomonidan yurtimizning barcha hududlarida, hattoki eng chekka qishloqlarida ham bunyod etilayotgan yangidan-yangi zamonaviy binolar, sanoat korxonalari, namunaviy tipdagi zamonaviy uylar, xalqimizning tinchligini ta'minlash borasida olib borilayotgan samarali bunyodkorlik ishlari haqida qator ma'lumotlar taqdim etildi. Yana shuni ta'kidlash lozimki, kelajagimiz, farovon hayotimiz poydevori bo'lgan yoshlar chuqur bilim olishlari, har tomonlama yetuk shaxs bo'lib kamol topishlari uchun yaratib berilayotgan imkoniyatlar, ta'lim tizimining nechog'lik yuksalgani va uni takomillashtirish, xalqimiz salomatligini mustahkamlash, onalik va bolalikni muhofaza qilish borasida amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlar haqida aniq misol va raqamlar asosida batafsil tushuntirib berildi.



Tadbir ishtirokchilari O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I. Karimovning 9 may — «Xotira va qadrlash kuni» munosabati bilan Xotira maydonida ommaviy axborot vakillari bilan suhbatining ma'no-mazmuni va suhbatning hayotiyliigi, yoshlar uchun yaratilayotgan cheksiz imkoniyatlar xususida so'z yuritishdi.

Institut rektori B.S. Sayfullayev O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi deputatlari bilan hamkorlikda o'tkazilgan tadbir har bir qatnashchi qalbida Vatanimizda hukm surayotgan tinchlik va osoyishtalikning shukronaligi, xalqaro maydonda jannatmakon yurtimizning obro'-e'tibori, yoshlarimizning ongu tafakkuri, siyosiy va ijtimoiy faolligi o'sib borayotganligi, bu yerda o'tirgan yoshlar san'atimizning ertasi, kelajagimizning vorislari ekanligini, buning uchun talaba-yoshlarimiz tinimsiz mehnat qilishlari, o'qib o'rganishlari orqali Vatanimizga bo'lgan muhabbatlarini namoyon etishini alohida ta'kidlab o'tdilar.

Magistrlardan Azamat Oxundiy, Xurshida Fayzullayeva va boshqalar o'z fikr-mulohazalarini bildirib, o'zlarining ko'plab savollariga javob oldilar.

Zulxumor NORQO'ZIYEVA

Ma'naviyat va ma'rifat bo'limi boshlig'i,

Xurshida FAYZULLAYEVA

Madaniyat va san'at sohasi menejmenti mutaxassisligi

1-kurs magistranti



O'rta Osiyoda eramizdan avvalgi dastlabki ming yillikning birinchi yarmida, ya'ni ilk temir davrida ibtidoiy jamoa tuzumi o'zining so'nggi bosqichini o'tib, unda professional qo'shiqchilik san'atining ilk asoslari bundan ikki yarim ming yil avval shakllana boshlagan, deiyish mumkin.

Xalqimizning eng yaxshi ko'rgan g'oyaviy-badiiy jihatdan yuksak to'y qo'shiqlari yor-yor, terma, lapar, o'lanlarga xalqning turmushi, tirikchiligi, ko'nglidagi orzu-armonlari, dard-alami, shod-xurramligi, kelajakka ishonchi ifodalangan, zo'ravonlik, erksizlik, adolatsizlikka qarshi ko'pchilikning qudratli ovozi eshitilib turgan.

Tabiyyki, o'zbek qo'shiqchiligining asosiy sohalaridan biri yakkaxon ijrochilik san'atidir.

Mazkur soha maqom parchalari, mumtoz musiqa namunalari, dostonidagi uncha katta bo'lmagan epizodlarni kuylashni o'z ichiga oladi. Bizning davrimizda yakkaxon qo'shiqchilikning qadimiy an'anaviy ko'rinishlaridan tashqari zamonaviy estrada ruhida yangicha an'analari paydo bo'lmoqdaki, bu uslub yoshlarning juda katta qatlamiga o'z ta'sirini ko'rsatmoqda. Shu o'rinda zamonaviy va qadimiy yakka qo'shiqchilik an'analari haqida fikr yuritmoqchimiz.

Qadimiy ilmiy va hayotiy tajribalar shuni ko'rsatadiki, dunyoda biror narsa bir-biriga o'xshamaydi. Biroq ko'p hollarda bir-birini ma'lum darajada takrorlaydigan holatlar, hodisalar va narsalar ham mavjud. Inson ovozi ham xuddi shunday. An'anaviy xonandalikning eng go'zal namunalari yosh avlodga beka mu-ko'st yetkaza olgan ustozlarimizning ovozig, ijrosiga e'tibor qilsak, ularda o'ziga xos shijoat, zavq, o'kinch (mung) kabi ruhiy holatlarni aniq ko'ramiz.



O'zbekiston xalq hofizasi Kommuna Ismoilova ijrosidagi «Tokay» ashulasiga e'tibor qilaylik. Bizning diqqatimizni o'ziga qaratgan nodir holat marhum ustozning ovoz shakllantirish jarayonidagi lab va til harakatlaridir. Keksa shinavandalar K. Ismoilova timsolida oddiy, ko'hlik, beg'ubor ayol qiyofasini ko'rganlar.

Demak, K. Ismoilova chiroyli honish qilish bilan birgalikda o'zini, o'z gavdasini an'anaviy xonanda darajasida tuta olgan. San'atkor kiyinish odobi, xususan, ayolning yarim husnini belgilovchi sochlarining ko'rinishida o'zbekona go'zal fazilatlarini namoyish etgan. Shukrlarki, bunday xonandalar diyorimizda mustaqillik tufayli qadr topmoqda. Xalq tili bilan aytganda, o'zbekning haqiqiy hofizi sharafiga muyassar bo'lgan O'zbekiston xalq hofizlari O. Alimahsumov, S. Aminov, K. Otaniyozov, B. Davidova, H. Ohunova kabi o'nlab

san'atkorlarning ijodi biz yoshlar uchun ibrat maktabi bo'lib xizmat qilmoqda. Ular ovozinii ayamay, ijro jarayonida san'atga tabiiylilni singdira olgan. So'z va ohangni muqaddas deb bilishgan.

Zamonaviy yakka ijrochilikning paydo bo'lishida ana shunday ulug' san'atkorlarning o'rni beqiyosdir. Ko'plab yoshlar zamonaviy oqimidagi ijrolarga K. Otaniyozov ijrosidagi «Qayroq yallasi», O. Hotamov ijro etgan «Sensan sevarim», M. Uzoqov ijro etgan «Jonon bo'lamon deb» kabi mumtoz ashulalar bilan kirib kelishdi.

Nazarimizda, bugungi musiqa madaniyatining ba'zi ko'rinishlariga «zamonaviy» libosni kiydirayotgandaymiz. Afsuski, tengdoshlarimiz orasida o'zbek ohanglari-yu urf-odatlariga muvofiq bo'lmagan g'arbona oqimlarga mukkasidan ketish hollarini kuzatamiz. Buning oqibatida musiqa san'atida goh-goh paydo bo'lib turadigan «bo'shliq» millatimizga yot ohanglar, adabiyotimizga dog' bo'lib tushuvchi she'rlar bilan to'lganday bo'lyapti go'yo. Eng achinarli tomoni nafaqat estrada, balki o'zining mohiyati va salohiyati bilan jahon musiqa madaniyatida alohida o'ringa ega bo'lgan mumtoz qo'shiq va ashulalarimiz ijrosida ham havaskor ruhda mazmunsiz, yosh avlodning ongini razillik, fahsh ishlar bilan bulg'ovchi ijrolar paydo bo'lmoqda.

Biz ta'lim jarayonida ana shunday illatlarning oldini olish usullari va yo'llarini qidirib boryapmiz va shunday xulosaga keldikki, biz ohanglar, she'riy matnlardan faqat ezgulikni qidirishimiz kerak ekan. Shunday qo'shiq va ashulalarni aytaylikki, ular bizni sevisga o'rgatsin. Shunday raqsga tushaylikki, u bizni haqqa yaqinlashtirsin. Zero, san'at, jumladan yakkaxon ijrochilik san'ati haqiqiy go'zallik, ilohiy ishq g'oyalarni to'g'ri idrok etishimizga yordam bera olsagina umrboqiy bo'ladi.

O'lmas RASULOV Xalq ijodiyoti va an'anaviy qo'shiqchilik kafedrasi o'qituvchisi, Dildora SUYUNOVA Kasb ta'limi: xalq ashula va raqs ansambllariga rahbarlik ta'lim yo'nalishi 3-kurs talabasi

ЯХШИ ХУЛҚ — ЭЗГУЛҚ ТУМСОЛ

Шарқона тафаккур ва маънавият ҳақида сўз юритганда, одатда, уни Ғарб тафаккури ва маънавиятига қийслади. Шарқ тафаккури дин ва тасаввуфга, Ғарб тафаккури эса фалсафага таяниши айтилади. Яна Шарқ адабиётининг руҳ адабиёти экани, оломонга мўлжаллан-магани, унда полифониянинг қучлилиги таъкидланади. «Шарқ — нафсга душман, Ғарб — нафсга дўст» деб тавсиф беради Шарқ. Ҳатто «Авестода ҳам «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал — пиндори нек, гуфтори нек, кирдори нек, яъни ўйларинг, гапларинг, қилаётган ишларинг бир бўлсин» деган ғоя илгари сурилади.

Фарзанд тарбияси ҳақида сўз кетар экан, Шарқда болани тарбиялаш у туғилган кундан бошланади ва умрининг охирига қадар давом этади, дея таъкидланади. Соғлом бола ҳақида гапирар эканмиз, шубҳасиз, «Соғ танда соғлом ақл» деган ҳикмат бежиз эмаслигини англаймиз. Шарқ адабиётида инсонда икки реаллик мавжудлиги зухур этилади: 1) ташқи — зоҳирий 2) ички — ботиний. Асосий мураккаблик эса ботинда намоен бўлади, чунки унда ақл, нафс, руҳ, кўнгил ҳақида сўз боради. Зоҳиру ботинни бирдек англаб етувчи олимлар эса бир асрда 4-5 та туғилади, деган эди Жомий ҳазратлари.

Шарқона ахлоқ-одоб қоидаларининг XX аср бошларида Абдулла Авлоний томонидан «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида баён этилиши ўша давр ўзбек маърифатчилиги учун ноёб ҳодиса бўлди. Бу асар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Аксинча, бугунги глобаллашув, давлатлар ва миллатлараро интеграция жараёнида, оммавий маданият хуружлари кучайган бир даврда бу каби асарларга бот-бот мурожаат қилмоқ, уларни кунт билан ўрганмоқ ёшларимиз тарбияси учун жуда зарурдир.

Авлонийнинг ушбу асари катта-кичик 64 бобдан иборат бўлиб, ҳар бир боб таълим-тарбия масаласига бағишланган, бири иккинчисини тўлдириб боради. Муаллиф кишиларни хулқига қараб икки гуруҳга бўлади: бири яхши хулқли кишилар, иккинчиси ёмон хулқли кишилар. Инсонга хос бўлган фатонат (ақллилик), назофат (озодлик, покизалик), саъй ва ғайрат, риёзат (меҳнат), шижоат, қаноат, илм, сабр, ҳилм (ҳалимлик, юмшоқлик), интизом, миқёси нафс, виждон, ватанини севмак, ҳаққоният, назари ибрат, ифбат, ҳаё, идрок ва зако, ҳифзи лисон, иқтисод, виқор, хавф ва ражо (Оллоҳдан қўрқмоқ ва умидвор бўлмоқ), итбат, ҳақшунослик, хайрихоҳлик, мунислик, садоқат, адолат, муҳаббат, олиҳиммат, авф каби ижобий хусусиятларнинг ҳаммасини «яхши хулқлар» номи остида беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, бугун ёш авлоднинг тарбиясига, маънавий камолотига, ахлоқий жиҳатларига янада жиддийроқ аҳамият беришимиз лозим. Шахс тарбиясида Шарқ адабиётининг мумтоз намуналарига, тасаввуф таълимоти илгари сурган ғояларга таянишимиз лозим; шарқона ахлоқ-одоб қоидалари ахлоқий-таълимий фаолиятимизда асос бўлмоғи керак. Зеро, биз кўзлаётган комилликнинг биринчи шартини ахлоқий гўзалликка эришиш бўлса, иккинчи жиҳати — нафсни енгиб, руҳни тарбиялаш. Биз ана шуларни ўзимизга ҳам, фарзандларимизга ҳам сингдиришимиз керак.

Севара МАҲМУДОВА
Тиллар ва адабиёт кафедраси доценти



МЕХР — ТУГАМАЙДИГАН МАВЗУ, ЎЛМАЙДИГАН ҒОЯ...

Инсоният яралибдики, меҳрнинг, муҳаббатнинг ҳам бунёдкори, ҳам шайдосидир. Турли мавзудаги асарлар ёзиб бўлинган, аммо меҳр ҳақидаги асарларнинг охирини топиб бўлмайди.

Ҳар бир асарларида юксак меҳрнинг уммони мужассам драматург Шароф Бошбеков билан «Драматургия +» кенгаши аъзолари ўртасида қизиқарли давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ҳеч қайси ўзбек йўқи, «Темир хотин»ни кўрмаган ёхуд «Эски шаҳар гаврошлари», «Тақдир эшиги» каби бебаҳо асарлардан беҳабар бўлса. Ҳа, улар бизнинг хонадонимиздан ҳам, кўнглимиздан ҳам аллақачон ўрин олиб улгурган.

Санъат майдонида актёр сифатида кириб келган Шароф Бошбеков драматург сифатида бир-бирини такрорламас асарларнинг муаллифига айланди. «Сиз қай даражада ақлли бўлсангиз, сиз яратган персонаж сиздан ақлли бўлмайди», — дея ёш ижодкорларга савод, нимани ёзиш ва қандай мавзудаги асарлар бугун долзарб аҳамият касб этиши ҳақида аjoyиб фикрларни айтиб ўтдилар.

Бундан ташқари, тадбирда Санъатшунослик ва маданиятшунослик кафедраси профессор-ўқитувчиларидан Тешавой Баяндиев, Маъмуржон Умаров ҳамда таниқли режиссёр Олимжон Салимов ҳам иштирок этишди.

Тадбирга йиғилган талабалар томонидан берилган саволларга драматург ҳаётини мисоллар билан жавоб берди. «Ўзим билмаган ҳолда асарларимда афоризм даражасидаги гапларни қўллаган эканман», — дейди Шароф Бошбеков.



Масалан, «Виздон — кўриқдек гап. Ҳеч иш қилмайди-ю, оғриги оламни бузди» («Тақдир эшиги») каби асарларнинг исботи бўла олади.

Ҳар бир асардан томошабин қайсидир маънода ҳақиқат қутади. Ана шу ҳақиқатнинг соф ҳолда етказилишини таъминловчи ижодкор аҳли бу — драматурглардир. Ёзган ҳамма асарлари

саҳналаримизнинг кўрқига айланган драматург билан бўлган учрашувдан талабалар ўзларига керакли фикр ва маслаҳатлар олишди, деб ўйлайман.

Бундан ташқари, Шароф Бошбеков қаҳрамон яратиш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтдилар. «Исталган одамни эмас, одамлар фарзандларига исмини қўядиган қаҳрамон яратиш керак», — дея таъкидлаб ўтдилар. Ҳақиқатдан ҳам биз мавжуд сўздан

қанчалик осон фойдаланганимиз сингари шунчаки қаҳрамон ҳам ҳудди шундай хотирадан осон унутилади. Саҳнадаги ҳеч нарса ҳатто оддий деталь ҳам нимагадир хизмат қилиши керак. Шекспир табири билан айтганда, дунё саҳна бўлса, ана шу саҳнани бойитишга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз керак.

Хулоса ўрнида шунини айтиб ўтиш жоизки, бундай ижодий учрашувлар биз каби ёш ижодкорларнинг келгуси режаларида ўзининг самарасини кўрсатади. Ижод сирларини эса Шароф Бошбеков сингари драматурглардан ўрганиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Гулмира МАВЛОНОВА
Театршунослик таълим йўналиши
3-курс талабаси

КИНО Йўлидаги ОМАД

Охириги йилларга назар ташлайдиган бўлсак, ишлаб чиқарилаётган ўзбек кинофильмлари сони ортиб бормоқда. Фильм ижодкорлари эса асосан ёшларни ташкил этади. Уларнинг фаол ижоди туфайли кино санъатимиз янада ривожланмоқда. Мана шундай ўз соҳасининг омадли мутахассисига айланган кинооператор ва педагог Иқбол Мелиқўзиев ижодига қисқача тўхталсак.

Ёшлигиданок фотография жараёнлари билан ҳамнафас улғайган И.Мелиқўзиев катта кинода ўзининг ижодий фаолиятини «Уйланиш» (реж: Ж.Ахмедов, 2009) номли бадий фильмдан бошлаган бўлса, қисқа муддат ичида томошабинлар олқишига эга бўлган бир қанча фильмларни тасвирга олди. «Омад», «Тундан тонгача», «Сўнгги кўнғироқ», «Тилим курсин», «Жаноб ходдоғчи» ва бошқалар шулар жумласидан. И.Мелиқўзиев яратётган ҳар бир фильмининг гоёси ва жанрига мос тасвирий ечимини излар экан, аввало ўзбек томошабини учун тушунарли бўлган тасвирий образларни қуришга ҳаракат қилади. Балки шунинг учун ҳам яратилаётган фильмлар ва улардаги актёрлар образи томошабин томонидан илиқ қабул қилинмоқда. Фильмлардаги ҳаётини воқеаларни оператор реал ва ёрқин кўринишда ифодалайди.



Кинооператорлик маҳоратини қисқа муддатда эгаллаб бўлмайди. Бунинг учун кўп йиллар мустақил амалий фаолиятда бўлиш зарур. Шу маънода И.Мелиқўзиев ҳам касбий маҳоратининг шаклланиш даврини босиб ўтмоқда. Бу йўлда ютуқлари бўлганидек камчиликлари ҳам йўқ эмас. «...Ҳар бир камчилигим бу — орттираётган тажрибам, келгуси ишимда бартараф этиш керак бўлган вазифам, янада излашимига сабаб, камчиликнинг тугамагани яхши, ижод шуниси билан қизиқ», — дейди ўз суҳбатиди И.Мелиқўзиев.

И.Мелиқўзиев бир вақтнинг ўзида институтимизда ҳам педагогик фаолиятини олиб бориб, тасвирга олиш майдончасида олган амалий билимини назарий илмга ўтириб талабаларга етказмоқда. Овоз режиссёрлиги ва кинотелеоператорлик кафедраси ўқитувчиси бўлиб ишлаш унинг ижодий вақтини қисқартирса-да, бироқ бу сергайрат ижодкор барча ишларга улгурмоқда. Масалан, Корея давлатига қилган малака ошириш сафарида соҳанинг замонавий технологияларидан фойдаланиш ва номоддий меросни асраб қолишга қаратилган мавзулар бўйича янги билимларга эга бўлиб қайтди.

Мустақил ижоддаги куч, гайрат ва иродаси уни режиссёрлик йўлида ҳам ижод этишга ундамоқда. Масалан, сўнгги йилларда яратилган «Менинг дўстим жин» (2013), «Йигитли» (2014), «Ишдаги ишқ» (2015), «Кўёвжўра» (2015) фильмлари бунга мисол. Ушбу фильмларида режиссёрнинг эркин, ижодкорона ёндашуви сезилади. Уларда инсонийлик ва ўзаро муносабатлар акс этиши асосий мақсадга айланган. Фильмлар комедия жанрида бўлишига қарамай инсон ҳаётидаги баъзи муносабатлар, зиддиятлар, мураккабликлари муаммо сифатида кўтарган.

И.Мелиқўзиев ижодда ва педагогик фаолиятида ҳар тарафлама шаклланиб, ўсиб бораётганлигини кўрамыз. Назаримизда, ушбу палла унинг ижодий ҳамда педагогик фаолиятида ҳам амалиёт ўтиш даври бўлди. Кинотасвир санъатининг асл мағзини у энди ҳис эта бошлагандек. Иқбол Мелиқўзиевнинг тинимсиз меҳнати ва ҳаракати ила ушбу йўлда янги зафарларга эришишга тилакдош бўлиб қоламиз.

Камолиддин ИСМОИЛОВ 2-курс магистранти

ПАРВОЗГА ШАЙЛАНГАН «УНИВЕРСАЛ АРТ»

Театр — синтетик санъат бўлгани боис унда турли санъатларнинг уйғунлигини кўришимиз мумкин. Масалан драматургия, режиссура, актёрлик, композиторлик, рассомчилик ва ҳоказо. Буларнинг саногини яна узоқ давом эттириш мумкин.

Бугунги кунда ўзининг мухлислари ва жонкуяр ижодкорларига эга санъат турлари сирасига эстрада санъатини ҳам қўша оламиз. Айнан шу йўналишдан ташкил топган «Универсал Арт» жамоаси ҳам икки йилдан буён ўзларининг изланишлари самарасини томошабинларга тақдим этиб келмоқда.

Жамоанинг таркибий тузилиши ҳам айнан шу йўналиш талабалари. Яъни Абдуманнов Сардор, Сотиболдиев Журъатбеклар эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги бўлими талабалари бўлса, Валиев Соҳибжон эстрада актёрлиги бўлими талабаси.

Куни кеча уларнинг «Оқ йўл» номли янги концерт дастури бўлиб ўтди. Ўқув театри биносини тўлдириб ўтирган томошабинларнинг давомий қарсақлари остида дастур аjoyиб тарзда ўтди. «Саҳна жонланганда», «Хит-парад 3 талик», «Кўшимча персонаж», «Ўзбекча тўй», «Олтин балиқ», «Санъатдан бахтини топганлар» каби бир неча чиқишлардан ташкил топган дастур йиғилганларнинг барчасига бирдек манзур бўлди. Айниқса «Кўшимча персонаж», «Олтин балиқ» номли кулги уйғотувчи саҳнавий чиқишлар барчага янгилик бўлганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Янги тузилган бу жамоа эстрада йўналишининг ҳеч бир тур ва жанрларини назардан четда қолдирмаган. Жамоа аъзолари эстрада санъати ривожига ҳисса қўишни ўзларининг энг катта мақсади деб билишади. Биз бу йўлда уларга зафар ва муваффақият тилаб қоламиз.

Маҳфуза АШУРОВА Театршунослик таълим йўналиши 3-курс талабаси

Бугунги тинч ва осойишта замонамизнинг гўзаллигига чанг солаётган иллатлардан бири бу — шубҳасиз гиёҳвандлик вабосидир.

Бу бало инсоният бошига не кунларни солгани ва солаётгани ҳеч биримизга сир эмас. Ана шу аср вабоси дея ном олган гиёҳвандлик қурбонлари эса аксарият ҳолларда сизу бизга ўхшаган ёшлар бўлишмоқда.

Ана шундай долзарб мавзудаги «Тўда» драмаси



3-курс мусиқали театр актёрлиги бўлими талабалари томонидан институтимиз ўқув театрида намойиш этилди. Асар муаллифи ўзининг драматик асарлари билан яхши таниш бўлган Насрулло Қобиров. Саҳналаштирувчи режиссёр, курс бадий раҳбари Эрназар Ёрбеков. Композитор Бахрилла Лутфуллаев ва саҳналаштирувчи рассом Алишер Тўлабоев.

Асар бир тўда гиёҳвандлик кўчасига ўзи билиб-билмай кириб қолган ёшлар ҳақида. Спектаклнинг биринчи кўриниши айнан ана шу тўданинг дори дея бир-бири билан жанжаллашаётган саҳналаридан бошланади. Тўданинг сардори бўлиб, у болаларнинг ҳаммасини Шоми Ироққа олиб кетаман деган мақсадда тайёрлаётган бўлади. Бу персонажни Достон Исмоилов ва Рашидхон Қодирхонов ижро этишди. Шундай кунларнинг бирида гуруҳдаги Самандар (Машхур Мухторов ҳамда Маъмур Тўраев) гиёҳвандлик кўнглига сиймай, муҳаббат кўчасига кириб қолади.

Одамлар мурувватли, одамлар карамли деган сўзларига тўдадагилар тиш-тирноқлари билан қар-

шилиқ билдирадилар. Бу дарддан фақатгина муҳаббат қутқаради, деб ҳали ҳам кеч эмаслигини, ҳали ҳам имкон борлигини қолганларга ҳам ўқтирмоқчи бўлади. Бу сўзларга тўда бошлигининг жаҳли чиқар, уни бу йўлдан қайтариш мақсадида гуруҳдаги болаларнинг ачинарли ҳаётидан мисоллар келтириш орқали инсониятнинг қўлидан фақат разиллик келади дея жар солади. Шунда йигитларнинг ҳаётини ва қандай қилиб тўдага келиб қолганликларини сўзлаш орқали томошабинга ҳам тушунтириб ўтади. Асад, Абду, Ваққос каби болаларнинг ҳаёти алам билан ҳикоя қилиб берилади. Ҳар бирининг ҳаёти аччиқ кечгани, яқинларидан зулм


орқали шу тўдага қўшилиб қолганликлари томошабинга етказилади.

Асар мусиқий драма бўлгани боис спектаклда аjoyиб ариялар ҳам ижро этилади. Хусусан, учрашув саҳнасидаги «Боқадди», «Севги-муҳаббат» каби арияларни айтишимиз мумкин. Самандар образини яратишга ҳаракат қилган Машхур Мухторов ва Маъмур Тўраевларнинг персонажи зиммасидаги юкни қанчалик очишга ҳаракат қилганликларини айнан мусиқий саҳналарда ҳам кўришимиз мумкин. Аммо Қамол ролидаги қизларимизнинг овозларида тузатилиши зарур бўлган айрим камчиликлар йўқ эмас.

Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, эртанги кун эгаларининг ҳаётига бефарқлик — бу келажакка бефарқликдир. Уларнинг қайси йўлни танлаб, эртага ким бўлишларини бугундан ўйламоқ керак. Асардаги болалар ҳам жар солгиси, ҳайқиргиси келади, аммо энди кеч. Шу боис, фарзандларимиз, дўстларимиз, яқинларимизга эътиборли бўлайлик.

«ТўДА» спектакли





Бугун жамиятимизда ёшларни турли бузгунчи ва ёт гоёлар, таҳдидлардан асраб қолмоқ учун оммавий ахборот воситалари, телевидение, радио, газета ва журналлар ва миллий интернет сайтларида миллий маънавий тарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Бу ҳаракатлардан муқаддас эса ўсиб келаётган ёш авлодни турли бузгунчи таъсирлар, хусусан, «оммавий маданият»-нинг зарарли оқибатларидан сақлашдир.

Маънавият инсон қалбини эзгулик билан ёритувчи нурдир. Бундай нур билан ёритилган қалб соҳибларини ҳеч қандай бузгунчи ва ёт гоёлар қалбига толмайди.

«Оммавий маданият» бугун бутун дунёнинг муаммосига айланиб бормоқда. Унинг зарарли оқибатларидан ёшларни асраб қолиш эса бугунимизнинг долзарб вазифаларидан. Унга қарши миллий маънавиятимиз билан курашмоғимиз лозим. Ёшлар онгида миллий-маънавий дунёқарашни шакллантириш, маънавий иммунитетни юксалтириш жамиятимизда энг устувор вазифалардан ҳисобланади.

Миллий маданиятимиз, маънавиятимизни қанчалар бой эканини халққа етказиш, қолаверса, бутун дунёга тараннум этиш вазифаси ҳам биз санъат ва маданият

вакилларининг зиммасида эканини унутмаслигимиз керак. Шунинг учун биз инсонларнинг тарбиявий салоҳиятини ўстирадиган, миллий руҳ бахш этадиган, миллий-маънавий тушунчаларни ўзида мужассам этган, инсонларни эзгулик йўлига бошладиган ижодий асарлар, хусусан, кино, кўшиқ, спектакллар яратмоғимиз керак. Зеро, санъат асарлари ёшларнинг маънавий оламига тез кириб боришини унутмаслик лозим.

Маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий айтганларидек: «Театр — бу ибратхонадур». Биз санъат ва маданият вакиллари ҳам ҳар бир жиҳатдан бошқаларга ибрат бўлмоғимиз керак. Санъат бу — тарбия ўчоғи. Санъат бу — эзгулик ошёни. Санъат — қалбларни уйғотувчи наво. Санъат — инсон руҳиятига даво. Асл санъатни турли енгил-елпи тушунчалардан холи сақламоқ лозим. Бу эса санъаткорларнинг маънавий салоҳиятлари билангина юзага чиқади. Санъаткорнинг маънавиятсиз бўлиши эса асл санъат мантиғига тўғри келмайди.


Сардор РАШИДОВ
Эстрада актёрлиги санъати таълим
йўналиши 4-курс талабаси



Салом тенгдошим! Талабалик гаштини суриш бунчалар ҳузурбахш-а?! Таълим олиш жараёни, ижодий фаолият, тадбиру байрамларда, дарс хоналарида бўлиб ўтаётган қизиқарли, ажойиб воқеалар барчамизнинг хотира китобимизга абадий муҳрланиб қолиши шубҳасиз. Ўқитувчилар билимларни бизга беминнат улашмоқда. Ана энди унинг натижасини билиш мақсадида берилган назорат ишларини ёзиш бизнинг вазифамиз. Шундай кунларда барча талабаларга жон кирган. Кимдир билимига, кимдир китобга, яна кимдир кўшни курсдош қизга ишонарди. Назорат ишларини яқунлаб топширдигу, баҳоларни кута бошлади. Устозимиз талабаларнинг балларини эълон қилар экан, негадир менга келганда иккиланиб қолди. Шундоқ ҳам юрагим қаттиқ ураётган эди, энди эса худди урмаётгандек...

Нишонбоева, нега назорат ишини иккита дафтарга ёздинг? — деди ўқитувчимиз. Мен нима дейишни ҳам билмай қолгандим. Ўша кунни эслаб бошладим, битта дафтарга аранг ёзиб улгурганим ҳам эсимда. Шу пайт орқа партада ўтирган курсдошим баланд овоз билан кулиб юборди. Бутун аудитория хайрон, у эса ҳамон кулиш билан банд эди. Аён бўлишича, курсдошим ёнимда ўтириб кўчиришга чунонам берилиб кетганлигидан, ҳатто менинг исм, шарифимни ҳам бир хилда кўчириб қўйган экан.

Муаззам НИШОНБоеВА
Саҳна ва экран санъати драматургияси
таълим йўналиши 1-курс талабаси



Сен юксак тоғсан. Сенга одимлаган сари чексизлигингни намоён қиласан. Сени ҳамма кўради, интилади. Қанчадир масофангни эгаллаганлар ҳам машаққатли маррасидан бир умр завқланиб яшайди. Ёшлигимда сени жуда кўп ўйлардим. Энди эса имкониятимга ярашасига эриша олишимни ва лекин қанча кўп меҳнат қилсам бесамар кетмаслигини пайқаяпман. Сени ўйламай яшашни инсонликка нолайиқлик деб баҳолагим келади. Сенга етишолмаслик эса афсуски ҳаётимда кўп эшитган ҳасрат дафтарлари битикларига яқин. Боринг бахтга, йўғинг бахтсизликка баробар. Аммо ҳаёт мана шунақа эришиш ва йўқотишлар билан мазмунли.



Биз яна ҳаётимизнинг муҳим сонияларини бой беряпмиз. Биз билишимиз керак бўлган олдий ҳақиқатлар ҳам бора-бора жумбоққа айланади. Биз вақтни умрбод сўнмайдиган юлдуз деб ўйлаймиз, аслида эса у борган сари емирилаётган шам. Лаҳзалар бизга шивирлайвериш тинкаси қурийд, парво қилмаймиз. Бу ҳаётда топганларимиз бари меҳнатимиз эвазига келади. Ҳаётда қанчалик тиришқоқ бўлсак, марраларга тез эришамиз. Аммо билиб қўйингки, вақтни енгиб бўлмайди. Истаймизми, йўқми уни йўқотиб афсусда яшаймиз. Надоматлардан шунинг англаймизки, демак, вақт — соатнинг чиққиллашидан бўлак ҳеч нарса эмас экан.

Гулмеҳра ИСТАМОВА
Саҳна ва экран санъати драматургияси
таълим йўналиши 4-курс талабаси

Меҳрият турмони



Элмурод АБДУЛЛАЕВ
Фольклор-этнографик жамоаларига раҳбарлик таълим
йўналиши 2-курс талабаси



Зоҳиджон МАХАММАТОВ
Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш таълим
йўналиши 4-курс талабаси



Мени танидингму, лолақизғалдоқ,
Ўша дардли юрак, ўша боламан.
Келганида баҳор, йиллардан ошқор,
Дардларимни сенга тўкиб соламан.

Мени танидингму, лолақизғалдоқ,
Алвон чечакларга бурканди ўтлоқ.
Қанча гулга мойил бўлган бу дилим,
Орзулар ушалмай бўлдилар дил чок.

Алвон гулли мунчоқ, шодақизғалдоқ,
Асрагин маликамни сен бўлиб огоҳ.
Қадамига бўлгин поёндоз ҳамроҳ,
Кўзларида бўлмасин нурсиз бир нигоҳ.



Диёра ҲИДОЯТОВА
Вокал жамоаларига раҳбарлик таълим
йўналиши 1-курс талабаси

Бувижонимга...

Ўқсик қалбим соғинч ила,
Соғинганим билмас ҳеч ким.
Ўртанар қалбим мени,
Бувижоним сизни соғиндим.

Йиллар ўтди, ҳафта, ойлар,
Яхши-ёмон кунлар ўтди.
Дўст-душманни билдим бугун.
Бувижоним қадрингиз ўтди.

Умр елдек ўтди-кетди,
Вақт даволар дейишди.
Дардим билмас дўст-душманам...
Сизни бир бор кўргим келди...

Жаннатлардан менга қараб,
Фариштадек кулиб турасиз.
Унутмайди бу қалбим сизни,
Сизни бир бор кўргим келди...



Шу ёшгача нечун бағрим эзилмабди,
Англолмабман ёлғизлигим сезилмабди.
Мен ўзимни тоғдай билсам аслида, у тоғ ортида,
Осмонни ҳам орқалаган Тоғ борлиги сезилмабди.

Умр ўтар ҳар тонгига шукрона бор,
Танда соғлиқ бўлса дилда тарона бор.
Ҳар синовга дош бергану мардонавор,
Фарзанд учун энг буюғи бир она бор.

Кўнглингизга ботган ахир не-не сўзим,
Олдингизда гуноҳқорман ёлғиз ўзим!
Сиз ўйлайсиз мен билмабман босган изим,
Асра дея дуоларда бўлиб ҳар зум...

Ўқинсам ҳам ҳаётдан гоҳ кўнглим тўлмай,
Туни бўйи ухломасиз ором олмай.
Деёлмасиз ҳар бало бўл, бола бўлмай,
Қандай омон юрибман ҳолингиз сўрмай?!

Кимдир озор берди, кўнглим чўкди ёмон —
Аҳволим танг бўлди, рангим бўлди сомон.
Қадрингизга етолмадим ҳали ҳамон,
Онажоним бахтимизга бўлинг омон!

АСРАСИН

Кўпроқ ғам кўрсам мен кўрайин аммо,
Юртим кўз ёшини кўрмайин асло.
Шод-хуррам яшасин юртим шу асно,
Йўлидан учрамай бирор муаммо,
Шу юртда энди бир тинч халқ яшасин,
Юртим бўстон бўлсин гуллаб-яшнасин.

Боболар ёдини ёд этиб ҳар дам,
Эртанги кун учун қўяйлик қадам.
Бу йўлда турайлик доимо бардам,
Оллоҳ ёр бўлсин бизларга ҳар дам.
Неъматга қондирсин ташна бандасин,
Ёмоннинг макридан ўзи асрасин.



Ферузбек ҒАФҒОРОВ
Халқ ашула ва рақс ансамбллари раҳбарлик таълим
йўналиши 1-курс талабаси



Дейдилар жонларнинг жонони Ватан,
Қалбдаги соғинчнинг пинҳони Ватан.
Агар йироқларга кетажак бўлсак,
Йўлдаги қарвоннинг сарбони Ватан.

Сен онамдек меҳрибон суюқлигимсан,
Башарт куяр бўлсам қуюқлигимсан.
Қаерда бўлмайин қоматим баланд,
Ахир сен гурурим, буюқлигимсан.

Аждодларим руҳи сенда мужассам,
Хизматингга шай турайин ҳар дам.
Сенинг қучоғингда туғилиб ўсиб,
Мана мен ҳам корингга керакли одам.

Муассис

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти

Бош муҳаррир
Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ

Таҳрир хайъати:
Гўзал ХОЛИҚУЛОВА
Ҳамдам ИСМОИЛОВ
Зулхумор НОРҚЎЗИЕВА
Умида ҲАСАНОВА
Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ
Рашид УСНАТОВ

Саҳифаловчи-дизайнер:
Умида ҲАСАНОВА

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри М.Улуғбек тумани, Ялонғоч мавзеси, 127 А уй
Тел.: +99890 349 71 72;
+99871 230 28 13
www.dsml.uz; dsml_info@olam.uz

Газета ҳар ойнинг охириги 1афсасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади.
Манзил: Ўрта Чирчиқ тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машғал маҳалласи, Марказ — 1.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида № 02-00166 рақами билан
2012 йил 19 декабрда рўйхатга олинган.

Газета институтнинг таҳририят ва нашриёт бўлимида тайёрланди. Ўлчами — А3, ҳажми — 2 босма табоқ.
Нусхаси — 1400 дон. Баҳоси келишилган нарҳда.
Чоп этишга 01.06.2016 да топширилди.